УДК 808, 5:81`271.2

МАТН ТУЗИЛИШИНИ ЎРГАТИШНИНГ АСОСИЙ ЁНДАШУВ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

К.М. Мавлонова

Мақолада она тили дарсларида матн тузилишини ўргатишга доир ёндашув ва тамойиллар ҳақида сўз боради. Она тилини ўқитиш методикасига оид тадқиқотлар, илмий-методик мақолалардаги тил ҳодисаларини ўрганишга доир ёндашувлар, принциплар ва қонуниятлар тадқиқ этилган. Мавжуд ёндашув ва принциплар асосида матн тузилишига оид назарий маълумотни ажратиш, уларни ўргатиш йўлларини аниқлаш, билимларни мустаҳкамлаш, кўникмалар ҳосил қилиш, матн яратиш ва уни такомиллаштиришга доир машқлар, иш турларини белгилашда амал қилинадиган асосий ёндашув ва тамойиллар аниқланган.

Калит сўзлар: *матн тузилиши, ёндашув, тамойил, матний хатолар, қоида, оғзаки ва ёзма нутқ, нутқий ва лингвистик компетенция, нутқ маданияти.*

В статье рассматриваются подход и принципы обучения структуре текста на уроках родного языка. Подходы, принципы и закономерности изучения языковых явлений осмысляются в научно методических статьях, исследованиях и методических пособиях по методике преподавания родного языка. На основе существующих подходов и принципов основной подход и принципы, которыми следует руководствоваться при определении видов работ, упражнений по созданию текста и его совершенствованию, выделение теоретических сведений о структуре текста, определение способов их обучения, закреплению знаний, формированию умений.

Ключевые слова: *структура текста, подход, принцип, текстовые ошибки, правило, устная и письменная речь, речевая и языковая компетенция, культура речи.*

Матн тузиш билан боғлиқ таълимий ишлар бир қатор компонентлар юзасидан билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, пировардида матн ярата олиш лаёқатини эгаллаш, яъни нутқий ва лингвистик компетенцияларни эгаллаш томон йўналтирилади. Ушбу мақсадлар учун хизмат қиладиган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган таълим мазмуни, шарт-шароитлари, воситалари, метод ва усулларини ишлаб чиқиш тартиби мазкур жараёнда амал қилинадиган асосий ёндашув ва тамойилларни белгилашдан бошланади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда асосий ёндашув ва тамойиллар уч гуруҳга ажратилди:

1) матн тузилишига оид назарий маълумотни ажратиб чиқиш ва уларни ўргатиш йўлларини аниқлашда амал қилинадиган асосий ёндашув ва тамойиллар;

2) билимларни мустаҳкамлаш, кўникмалар ҳосил қилишга доир машқлар тизимини ишлаб чиқишда амал қилинадиган асосий ёндашув ва тамойиллар;

3) матн яратиш, ижод қилиш, уни такомиллаштиришга доир машқ ҳамда иш турларини белгилашда амал қилинадиган асосий ёндашув ва тамойиллар.

Қуйида биринчи ва иккинчи гуруҳ таркибидан ўрин олган ёндашув ва тамойиллар ҳақида сўз юритилади.

I. Матн тузилишига оид назарий маълумотни ажратиб чиқиш ва уларни ўргатиш йўлларини аниқлашда амал қилинадиган асосий ёндашув ва тамойиллар сирасида назарий маълумот компонентларига (таъриф, тасниф, тавсиф, қоида) *фарқли ёндашув* муҳим ўрин тутади. Бунинг боиси шундаки, ўқувчиларнинг саводли равишда матн туза олишлари учун уларга биринчи навбатда қоидаларни, баъзан қоидага яқин турадиган тавсифларни ўргатиш зарур. Чунки ушбу жараёнда фойдаланадиган билимлар ўрганилган атамалар, таърифлар асосига қурилади. Масалан, гапларнинг ўзаро олмошли боғланиши деганда олмош сўз туркуми ўқувчи нутқига ўзлашган давр назарда тутилади.

Дарсликдаги назарий маълумотдан матн тузилишига доир назарий маълумотни қоидани ажратиб олиб, интерпретациялаш тамойили она тили дарсларида олинаётган билимлардан ҳам матн тузилишини ўргатиш учун фойдаланишни англатади. Қуйида “Она тили” дарслигида берилган маълумотга эътибор қаратамиз:

“Сўзнинг сўзга ва гапнинг гапга боғланишида нафақат мазмун, балки грамматик жиҳат ҳам муҳим. Бирдан ортиқ сўз ёки гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзлар **боғловчи** дейилади.

Ва, аммо, лекин, чунки, ёки, ё..., ё…; дам..., дам…; гоҳ..., гоҳ… кабилар боғловчилардир.

Боғловчилардан сўзларни ёки содда гапларни ўзаро боғлашда фойдаланилади.

Одам танасининг энг катта ва энг меҳнаткаш ишчиси жигардир (сўзни сўзга боғлаш).

Жигар – одам организмининг фильтри, чунки у ичимизга кириб қолган турли зарарли моддалардан бизни ҳимоя қилади (икки содда гапни ўзаро боғлаш) [1. Б. 61].

Ушбу назарий маълумотдан қуйидаги қоида ажратиб олинади:

Ва, аммо, лекин, чунки, ёки, ё..., ё…; дам..., дам…; гоҳ..., гоҳ… каби боғловчилар сўзни сўзга боғлашдан ташқари, гапни гапга боғлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан: *Шифокорлар бежиз жигарни одам организмининг фильтри деб аташмайди. Чунки жигар ичимизга кириб қолган турли зарарли моддалардан бизни ҳимоялаш учун тинмай ҳаракат қилади* [1. Б. 62].

Ушбу мисолда *чунки* боғловчиси икки гапни ўзаро боғлаяпти.

Кейинги пайтларда бир мавзу таркибидаги билимларни модулларга ажратиб ўрганиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Масалан, икки гапни ўзаро боғлашга доир тушунчаларни модуллар сифатида ажратиш, яъни модулли таълим ёндашуви жорий этилмоқда. Масалан, гапларнинг ўзаро олмошли боғланиши кишилик олмоши (у), кўрсатиш олмошлари, белгилаш олмошлари ва бошқа олмош турлари алоҳида-алоҳида модуллар ҳосил қилади, яъни айрим-айрим мавзулардаги қоидалар ўрганилади.

Л.О.Денисова модулли таълим технологиясини қуйидагича изоҳлайди:

“Модулли таълим технологияси ўқувчиларни мустақил билим олиш амалий тажрибаси билан қуроллантиради.

Ўқитувчи олдиндан мавзу бўйича мазмун танлайди, уни модулларга бўлиб чиқади, Ҳар бири бўйича эришиладиган натижаларни мўлжаллайди. Технологик харитада мавзу, вазифалар, билим, кўникма ва малакаларни аниқлаштиради.

1. Мавзу ва вазифалар билан танишиш, ҳар бир ўқувчига индивидуал мақсад ва вазифалар бериш.

2. Назорат.

3. Амалларнинг мақсадли дастури, оралиқ назорат, ўз-ўзини ва ўзаро назорат.

4. Қўшимча материал, синфдошига ёрдам, муқобил ўқув ҳаракатлари.

5. Эксперт назорати, яъни ўқитувчининг назорати.

6. Ҳар бир ўқувчиларнинг таълим фаолиятининг умумий ва якка вазифалари ва мақсадлари баҳо бериши ва шу муносабат билан билим ва малакаларни коррекциялаш.

7. Фарқлаб берилган уй вазифаси” [2. Б. 8].

Матн тузилишини ўрганишда бу ишга *дарсликдаги таълим мазмуни берадиган имкониятларни ҳисобга олиш тамойили дарс материалларига боғланишда намоён бўлади.*

Е.С.Антонованинг мақоласида изоҳланишича, “Нутқий асарлар таҳлилига лингвистик жиҳатдан ёндашувнинг моҳияти матннинг муаллиф мақсадига боғлиқлигини аниқлашдан иборат, чунки сўзловчи ёки ёзувчининг прагматик кўрсатмасининг таъсири бутун фикр баён қилишга ёйилади (тааллуқли бўлади). Дарсликларни мазкур нуқтаи назардан таҳлил қилганда айрим сўзлар ва гаплар асосида тузилган машқлар фойдасиз бўлиб қолади. Айрим олинган тил бирлиги лексик ва грамматик маънони аниқлаш ишини қийинлаштиради” [3. Б. 12]. Бунинг сабабини муаллиф сўзнинг ва гапнинг *ҳаётдан узилган бўлиши*да деб билади.

“Когнитив ёндашув доирасида матн одамнинг нутқий фикрлаш фаолияти маҳсули сифатида қаралади, яъни фикрлаш иши пайтида (матнни ўхшатиш, таҳлил қилиш, хулосалаш, интерпретациялаш жараёнларида) сўзловчи/ёзувчининг (муаллифнинг) ҳамда тингловчи/ўқувчининг (адресатнинг) ментал асослари ўзига жалб қилади” [3. Б. 12].

Нутқ маданиятига йўналтирилган ишларда оғзаки нутқ билан ёзма нутқ ўзаро интеграциялашади. Зеро, ёзма нутқ оғзаки нутқни тартибга солади, ўзи ҳам доим ривожланишда, матн тузиш машқларини бажариб турган ўқувчининг

“қалами чархланиб” боришида ўз таъсирини намоён қилади. Нутқ маданияти ҳам шу аснода ривожланиб боради.

Бугунги кунгача матн тузилишининг ҳар бир компонентига доир таълим мазмунини белгилашда назарда тутилиши лозим бўлган матний хатолар турлари аниқланган, айримларининг сабаблари методист олимлар томонидан *лингвометодик ёндашув* асосида изоҳланган [4. Б. 157; 5. Б. 50–52].

Матн тузилишига доир қоидаларни ишлаб чиқишда *бошланғич синфларда ўрганилган билимларни ҳисобга олиш тамойили* ҳам муҳим ўрин тутади.

Матннинг ташкилий-техник компонентларидан яна бири режа тузишдир. Ўқувчилар бу борада ҳам айрим хатоларга йўл қўядилар: режа қисмларини қориштирадилар. Режа қисмларининг изчиллигини аниқлаш, тузатиш борасида *бошланғич синфларда эгалланган билим ва кўникмаларга таяниш принципи* муҳим ўрин тутади. Зеро, бошланғич синф “Она тили ва ўқиш саводхонлиги”, шунингдек, юқори синфлар “Она тили” дарсликларида берилган режа моддаларини изчиллик жиҳатдан тартиблашга доир машқлар тавсия этилганки, бу машқлар пировардида кутилган натижага эришиш имконини вужудга келтиради [6. Б. 19; 7. Б. 53].

Матн хатбошиларига мос сарлавҳаларни тўғри кетма-кетликда ёзинг.

Ақлли қарор	**Зеҳнли бола**	**Тундаги воқеа**	**Кўчиш**

Берилган гапларни шундай тартиб билан ёзингки, улар сиз эшитган аудиоматн учун режа вазифасини бажара олсин.

Ҳасан ибн ал-Ҳайсам – оптиканинг отаси
Олимнинг кўз ва унинг тузилиши билан боғлиқ қарашлари
Қадимги одамларнинг кўриш ва ёруғлик ҳақидаги тасаввурлари
Ҳасан ибн ал-Ҳайсамнинг тажрибаси

Матн тузилишига доир таълим мазмунида *тил сатҳлари ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш орасида ўзаро боғлиқлик тамойили* ҳам муҳим ўрин тутади.

Матн билан боғлиқ таълим мазмунини белгилашда *оддийдан мураккабга, осондан қийинга, хусусийдан умумийга қараб бориш* каби дидактик тамойилларга ҳам амал қилинади.

Тизимлилик, босқичли-кетма-кетлилик тамойили матннинг тузилишига доир тушунчаларни яхлит бир тизим сифатида режалаштириш ва ўрганиш кераклигига ишора қилади. Ушбу тамойил таълим мазмунидан ташқари, таълимий тадбирларга ҳам дахлдордир.

Тилшунослик фанининг сўнгги ютуқларини ҳисобга олиш тамойили ўқувчиларга матн тузишни ўргатиш учун асос қилиб олинадиган тамойиллардан биридир.

Матн тузилишини ўрганишда *изчиллик тамойили* муҳим ўрин тутади. Ушбу тамойилга кўра ҳар бир компонент бошқа компонентлар билан ўзаро алоқадорликда, изчил тақсимланмоғи ва ўқув йиллари мобайнида тадрижий такомилда ўрганилмоғи даркор. Масалан, матнда от ўрнида олмошнинг қўлланиши бош келишикдаги отни бош келишикдаги олмош билан алмаштириш мисолида тақдим этилади. Кейинроқ биринчи гапдаги от ўрнида кейинги гапда тушум, жўналиш, ўрин-пайт ёки чиқиш келишигидаги олмошни ишлатиш машқ қилинади. Ниҳоят, бундай алмашиниш матний синонимлар доирасида кузаттирилади. Тил ҳодисасининг бундай изчилликда мураккаблашуви уни ўрганишга бир хил даражада “куч сарфлаш” имконини беради [8. Б. 68].

Қоида тузаётганда *ўқувчи савиясига мослик принципи*га кўра матн тузилиши бўйича оз-оздан бериладиган назарий билимлар, ҳосил қилинадиган амалий кўникма ва малакалар ўқувчиларнинг қурби етадиган мазмунда ва ҳажмда берилиши керак.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ақлий имкониятлари ва нутқий ривожланиш даража-

сини эътиборда тутишдан ташқари, қуйидаги принципларга ҳам амал қилинади:

– она тилидан эгалланаётган билим, кўникма ва малакаларни ҳисобга олиш принципи;

– ўқувчиларнинг тил ҳодисаларини таҳлил қилиш тажрибасига таяниш принципи;

– тил ҳиссига таяниш принципи;

– ўқувчиларнинг тафаккурини, мантиқий фикрлашини ва ижодий қобилиятларини ўстириш принципи;

– тушунарлилик принципи;

– ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш принципи.

– "психологик қулайлик фактик принципи" [9. Б. 12].

Булардан ташқари, ўқитувчи болаларнинг оғзаки нутқи қай савияда эканлигини аниқлаб, шу кўникмаларга таяниш йўлларини ўйлаб чиқмоғи лозим.

Мутахассислар ўқувчиларнинг ўз олдига мақсад қўйишлари лозимлиги ҳақида шундай дейди: "Аввалги дарснинг мавзуси ва мақсади ҳақидаги кичик бир суҳбат мақсад қўйиш вазиятини яратади. Ўқувчи, албатта, ўз мақсадларини таърифлаб олишлари керак – бусиз миянинг иши (таг маъноси, ўйлаб қўядиган фикр туғилмайди) ва ички нутқни фаоллаштирадиган нутқий тайёрлик пайдо бўлмайди. Ўйлаб қўйилган фикр туфайли адресатга баҳо бериш ва ташқи нутқ – матн учун тил воситаларини танлаш бошланади. Муаллиф нутқига реакция – кутилаётган ёки кутилмаётган – фикр баёнини (матнни) тузатиш сари рағбатлантиради" [3. Б. 13].

II. Билимларни мустаҳкамлаш, кўникмалар ҳосил қилишга доир машқлар тизимини ишлаб чиқишда амал қилинадиган асосий ёндашув ва тамойиллар.

Ўқувчиларнинг тил ҳодисаларини таҳлил қилиш тажрибасига таяниш принципи матннинг тузилиш хусусиятларини таҳлил қилдиришга ўтишда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, қоидалар асосида таҳлиллар ўринли чиқади.

Матн тузилишини ўргатиш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакалар мазмунидаги таълим жараёнининг тўлиқ рўёбга чиқиши учун ўқувчиларнинг саводхонлигини таъминлаш лозим. Саводхонликка матний хатоларни бартараф этиш, матн тузилишига доир қоидаларни ўзлаштириш ва уларни амалда қўллаш орқали эришилади. Шу нуқтаи назардан қараганда ўқувчиларга матн тузилишини ўргатиш жараёнида *матний хатоларни ҳисобга олиш тамойили* етакчи ўринда туриши лозим.

Ўқувчилар тузган матнларда бир қатор мантиқий, мазмуний, грамматик хатолар учрайди.

"Бошланғич синфларда рус тили ўқитиш методикаси" номли дарсликда мантиқий ва композицион хатолар 5 гуруҳга ажратилади:

1) фактлар, воқеалар ва бошқалар такрори;

2) муҳим бирор гапни тушириб қолдириш;

3) сабаб-натижа боғланишларининг бузилиши;

4) пайт изчиллигининг бузилиши;

5) мувофиқлашмайдиган нарсаларни бир қаторда жойлаштириш (Бола ёздаги воқеани гапира туриб, кундузи нима қилганига тўхталади. Ёз билан кундузни бир жойда кетма-кет гапириш нотўғри).

Мантиқий хатоларга композицион хатолар келиб қўшилади:

– кириш ёки хулоса қисмининг муваффақиятсиз тузилганлиги ёки бу қисмларнинг умуман йўқлиги;

– иншо қисмларининг узундан-узунлиги ёки калталиги (ёки тўмтоқлиги, бирор муҳим гапнинг тушиб қолганлиги);

– мавзудан четга чиқилганлиги (бундай четга чиқишлар ўқиётган одамнинг диққатини чалғитади);

– мушоҳада юритишда фикрни асословчи қисмлар, ҳавола ва исботларнинг етарли эмаслиги;

– режадан асоссиз равишда четга чиққанлиги.

Мантиқий хатолар мантиқ қонунларини бузиш туфайли юзага келади: айнийлик, қарама-қаршиликнинг бўлмаслиги қонуни, учинчисини бартараф этиш, асосларнинг етарлилик қонуни каби.

Композицион ва мазмуний хатоларнинг сабаби фикрни жамлаб ола билмасликдир. Чунончи, далилланган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ хатолар; ривоя матнга тасвир элементларини киритишдаги хатолар; хулосани таърифлашдаги хатолар; матн турига (тасвир-матн, ривоя-матн, муҳокама-матн) доир хатолар.

"Катта ўлчовдаги гапларда сўзларнинг боғланишини бузиш ҳолати шу билан изоҳланадики, ўқувчиларда ҳали матнни "тартибга солувчи синтез", яъни мияда

(оператив хотира механизмида) илгарилаш асосида матнни синтезлаш лаёқати ҳажми оз: 10 ёшли ўқувчида бу ҳажм 5–7 сўздан ошмайди. Бинобарин, у гапни ҳали нима билан тугаллашни билмаган ҳолда ёза бошлайди" [10. Б. 13].

Ўқувчилар тузаётган матнларда конструктив (гапга ҳадис, мақол, ҳикматли сўз ва бошқаларни киритишдаги) хатолар кўп учрайди. Бу хатолар баъзан мақол, ҳадис, ҳикматли сўзни ўз сўзи сифатида бироз ўзгартириб киритиш, тиниш белгиларини нотўғри ишлатиш, такрорларга йўл қўйиш кабилардан иборат бўлади. Айниқса, бу гапларни ўзлаштирма гаплар шаклида бериш тиниш белгилари билан боғлиқ билим ва кўникмаларнинг эгалланган бўлишини тақозо этади.

5-синф ўқувчилари тузаётган матнларда хатбошиларни, гапларнинг чегараларини белгилаш, тиниш белгиларидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ хатолар учраб туради. Хатбошиларни, гапларнинг чегараларини белгилашдаги хатолар қоидалар ўрганилганидан кейин, 3–4 та машқ бажарилгандан сўнг оз фурсатда бартараф этилади. Тиниш белгилари турли гапларда қўлланган учун бу борадаги барча ҳолатларни бирданига ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлмайди.

"Ўқувчиларнинг таълим олишдаги шахсий иштирокига кўра қуйидаги принципларни кўрсатиш мумкин:

– мустақиллик принципи;

– фаоллик принципи;

– ҳамкорликка интилиш принципи.

– истиқболлилик принципи [8. Б. 63–64].

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ақлий имкониятлари ва нутқий ривожланиш даражасига кўра: ажратган тамойиллардан қуйидагиларни ажратиб оламиз:

– она тилидан эгалланаётган билим, кўникма ва малакаларни ҳисобга олиш принципи;

– болаларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципи;

– ўқувчиларнинг тил ҳодисаларини таҳлил қилиш тажрибасига таяниш принципи;

– тил ҳиссига таяниш принципи;

– уларнинг тафаккурини, мантиқий фикрлашини ва ижодий қобилиятларини ўстириш принципи [8. Б. 67].

О.О.Харченко компетенциявий ёндашувни лаёқатнинг қуйидаги типларига қараб қўллаш зарурлигини таъкидлайди: лингвистик лаёқат, нутқий лаёқат, коммуникатив лаёқат, лисоний (грамматик) лаёқат [10. Б. 37].

"Она тилидан Миллий ўқув дастури"да "Нутқий компетенциялар" нутқий фаолият турлари (оғзаки нутқ малакаси, ёзма нутқ малакаси, англаш малакаси, тинглаб тушуниш) бўйича талаблар орқали ўз ифодасини топган. "Лингвистик компетенция" ҳам нутқий компетенцияларда белгиланган каби нутқий фаолиятнинг тўрт тури бўйича талаблар тарзида белгиланган. Нутқий компетенциялар кўпроқ нутқнинг коммуникатив жиҳатларига яқин талабларни акс эттиради. Лингвистик компетенцияларда эса талаблар "...изоҳлай олиш", "...қўллай олиш" каби ифодалар тарзида баён қилинади. Ушбу талаблар тил бирликларини англаш ва нутқда қўллай олиш мазмунида амалга ошади. Иккала компетенция нутқий фаолият билан боғланади. Лекин матн тузилиши билан боғлиқ компонентларни ўрганмасдан туриб лингвистик компетенцияни қўлга киритиш қийин: узоқ машқ қилиш орқали матн тузиш кўникмаларини амалий йўллар орқалигина эгаллаш мумкин. Она тили дарсларининг энг муҳим вазифаларидан бири эса ўқувчиларга тезкор ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Матн яратишда ўқувчилар унинг таъсирчан, мазмундор бўлишига эътибор бериб, бадиий тасвир воситаларидан, тилнинг эмоционал-экспрессив бирликларидан фойдаланиши, матн муаллифи сифатида маданиятлилик хислатини намоён этиши мақсадга мувофиқ.

И.Ю.Гацнинг таъкидлашича: "Нутқ маданияти бўйича олиб бориладиган ишларнинг тарбияловчи роли жуда катта. Моҳиятан, унинг мазмуни болаларда она тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ўз халқининг маданий анъаналаридан фахр туйғусини ва уни сақлашга масъулиятни тарбиялашга бориб тақалади. Бундай талаб ўқувчиларда дарсда лингвистик тадқиқот объекти ва предметига қизиқиш уйғотувчи ноформал, эгилувчан ёндашувни талаб этади. Ўқитувчи тил фактларини синчиклаб танлаши ва ўйлаб чиқиши, ўқувчиларга ёркин ва айни пайтда уларнинг идроки учун қулай матнлар таклиф қилмоғи лозим" [11. Б. 7]. Таҳлил учун тавсия этиладиган бундай матнлар пировардида ўқувчиларни шундай матнлар тузишга ундашига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Албатта, инсон ҳаёти мобайнида ўзининг

оғзаки нутқи ҳақида қайғуради, нутқ маданиятини эгаллашга интилади. Бу ишлар дастлаб оғзаки нутқ шаклида юзага келади: ўқувчи чиройли, ёқимли сўзлайдиган кишиларнинг, нотиқларнинг нутқини эшитиш мобайнида ўз нутқини ўстиришни дилига тугиб қўйган, андаза олган бўлади. Ушбу жараёнларда *таълим ва тарбия бирлиги тамойили*га амал қилинган бўлади.

Матн тузилишининг бирор компонентини таҳлил қилиш, шу компонентни қатнаштириб матн тузиш талаб этиладиган машқлардан айримларини *ўқувчилар йўл қўйилаётган матний хатоларни ҳисобга олиш тамойили* энг муҳим ва жиддий тамойиллардан биридир.

Р.Йўлдошев, М.Рихсиеваларнинг изоҳлашича, “Бир фикрни баён қила бошлаб, уни англаш қийин бўлган ҳолатда тугатиш эса алоҳида олинган гап мазмунидан ташқари, бир бутун матн мазмунининг кемтик, илгари сурилмоқчи бўлган ғоянинг ноаниқ бўлиб қолишига олиб келади. Бу каби камчиликларни ҳам матний деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) матнда ёритилаётган кичик мавзуларни қориштириш, улар билан боғлиқ равишда абзацлар чегарасини ажрата олмаслик;

2) фикрни баён қилишда мантиқийликнинг бузилиши;

3) тасвир-матнларда фикрни изчил баён этишдаги матний хатолар;

4) ривоя-матнларда фикрни изчил баён этишдаги матний хатолар;

5) муҳокама-матнларда фикрни изчил баён этишдаги матний хатолар.

6) гап мазмунидаги ғализликлар билан тавсифланувчи матний хатолар;

7) фикр ноаниқлигига олиб келувчи лексик хатолар” [4. Б. 58].

Ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш учун мўлжалланган машқларни тавсия этишда улар йўл қўядиган, матний ва матний бўлмаган хатоларни ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Матн тузиш қонун-қоидаларини ўзлаштириш гап тузишдан тортиб то иш қоғози ёки асар яратишгача бўлган компетенцияни қўлга киритиш демакдир. Шундай экан, бутун таълим жараёни ўқувчиларда тегишли компетенцияларни шакллантириш, яъни таълим мазмуни ва методларига компетенциявий ёндашув асосида муносабатда бўлишни англатади.

Тил ҳодисалари боғланишли нутқ орқали ҳаракатга келиб, ўзининг реал коммуникативлик хусусиятини намойиш қилади. Лингвистик қоидалар матн тузилиши орқали ўрганилмас экан, эгалланган билим, кўникма ва малакалар лингвистик компетенцияни шакллантириш даражасида қолиб кетаверади. Бунинг учун тизимли равишда белгилаб олинган ёндашув ва тамойиллар асосида она тили таълими мазмунига матн тузилишига оид ўқув материаллари киритилиши лозим.

Адабиётлар:

1. *Azimova I., Mavlonova K., Quronov S., Tursun Sh., Hakimova N., Siddiqov M.* Ona tili: 6-sinf uchun darslik. – Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2022. – 224 b.

2. *Денисова Л.О*. Развитие творческих способностей школьников (Поисковая деятельность). // Русский язык в школе, 2007. – № 3. – С. 10–15.

3. *Антонова Е.С*. Где искать ресурсы для обновления школьной методики? // Русский язык в школе, 2007. – № 6. – С. 10–14.

4. *Yo‘ldoshev R., Rixsiyeva M*. Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2019. – 157 b.

5. *Юртаев С.В.* Лингвометодический подход к организации образовательного процесса. // Успехи современной науки и образования, 2017. Том 2. –№ 4. – С. 50–52.

6. *Azimova I., Mavlonova K., Quronov S., Tursun Sh*. Ona tili va o‘qish savodxonligi. 3-sinf uchun darslik. 1-qism. – Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2022. – 144 b.

7. *Azimova I., Mavlonova K., Quronov S., Tursun Sh., Hakimova N., Siddiqov M.* Ona tili: 7-sinf uchun darslik. – Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2022. – 224 b.

8. *Бекниязова Н.* Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида). – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – 160 б.

9. *Петерсон Л.Г*. Механизмы реализации новых государственных образовательных стандартов // Начальная школа, 2008. – № 11. – С. 9–14.

10. *М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская*. Методика преподавания русского языка в начальных классах. – Москва: Издательский центр “Академия”, 2007. – 328 с.

11. *Гац И.Ю*. “Целенаправленный комплекс сил...” (О работе по культуре речи на основе текста) // Русский язык в школе, 2007. – № 5. – С. 7–11.

BASIC APPROACH AND PRINCIPLES OF TEACHING TEXT STRUCTURE

K.M. Mavlonova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Series: Pedagogical Research. 2022. 6(66). 42-49.

[1]Tashkent State University of Uzbek language and literature, Tashkent, 100100, str., Yusuf Xos Khojib, 103 (Uzbekistan). E-mail: interdep@navoiy-uni.uz

Keywords: *text structure, approach, principle, text errors, rule, oral and written speech, speech and linguistic competence, speech culture.*

The article discusses the approach and principles of teaching the structure of the text in the lessons of the native language. Approaches, principles and patterns of studying linguistic phenomena are comprehended in scientific and methodological articles, studies and methodological manuals on the methodology of teaching the native language. Based on existing approaches and principles, the main approach and principles that should be followed in determining the types of work, exercises for creating a text and its improvement, highlighting theoretical information about the structure of the text, determining how to teach them, consolidate knowledge, and develop skills.

Oral and written speech are mutually integrated in works focused on speech culture. After all, the written speech regulates the oral speech, it is always developing, and it shows its influence on the increasing of the student’s skills, who are doing the text composition exercises. The culture of speech is also developing at the same time.

The principle of interdependence between language levels and the development of oral and written speech is also important in the educational content of text structure. Didactic principles such as going from simple to complex, from easy to difficult, from specific to general are also followed in determining the educational content related to the text. The principle of systematicity, sequence gradually refers to the need to plan and learn the concepts of the structure of the text as a whole system. This principle applies not only to educational content, but also to educational activities.

The principle of relying on the experience of the pupils in the analysis of language phenomena plays an important role in the transition to the analysis of the structural features of the text. Analysis based on rules is especially relevant. It is necessary to ensure the literacy of learners for the full realization of the educational process in the content of knowledge, skills and abilities related to teaching text structure. Literacy is achieved by eliminating text errors, mastering the rules of text structure and applying them in practice. From this point of view, in the process of teaching text structure to students, the principle of considering text errors should be in the leading position.

Linguistic phenomena act through connected speech and demonstrate their real communicative nature. That is, as long as any linguistic rules are not learned through the structure of the text, the acquired knowledge and skills remain at the level of forming more linguistic competence. For this, it is necessary to include educational materials related to text structure in the content of native language education based on systematically determined approaches and principles.

References:

1. Azimova, I., Mavlonova, K., Quronov, S. (et.al.) (2022) *Ona tili*: 6-sinf uchun darslik [Native language: textbook for 6th grade]. Tashkent: Respublika ta’lim markazi.

2. Denisova, L.O.(2007) Razvitie tvorcheskih sposobnostej shkolnikov (Poiskovaya deyatelnost). [Development of creative abilities of school children (Search activity)]. *Russkij yazyk v shkole*. No 3. Pp. 10-15.

3. Antonova, E.S. (2007) Gde iskat resursy dlya obnovleniya shkolnoj metodiki? [Where to look for resources to update the school methodology?]. *Russkij yazyk v shkole*. No 6. Pp. 10-14.

4. Yo‘ldoshev, R., Rixsiyeva, M. (2019) *Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi* [Text errors in essays, methods of their correction]. Tashkent: Fan va texnologiyalar.

5. Yurtaev, S.V. (2017) Lingvometodicheskij podhod k organizacii obrazovatelnogo processa [Linguistic and methodological approach to the organization of the educational process]. *Uspekhi sovremennoj nauki i obrazovaniya*. Part 2. No 4. Pp. 50-52.

6. Azimova, I., Mavlonova, K., Quronov, S. (et.al.) (2022) *Ona tili va o‘qish savodxonligi:* 3-sinf uchun darslik. 1-qism. [Native language and reading literacy: textbook for 3 th grade]. Part 1. Tashkent: Respublika ta’lim markazi.

7. Azimova I., Mavlonova K., Quronov S. (et.al.) (2022) *Ona tili*: 7-sinf uchun darslik [Native language: textbook for 7th grade]. Tashkent: Respublika ta’lim markazi.

8. Bekniyozova, N. (2012) Boshlang‘ich sinflar ona tili darslarida o‘quvchilarga matn yaratishni o‘rgatish metodikasi (ta'lim o‘zbek va qoraqalpoq tillarida olib boriladigan maktablar misolida): [Methodology of teaching students to create texts in native language classes of elementary grades (in the case of schools where education is conducted in Uzbek and Karakalpak languages]. Tashkent: Fan va texnologiyalar.

9. Peterson, L.G. (2008) Mekhanizmy realizacii novyh gosudarstvennyh obrazovatelnyh standartov [Mechanisms for the implementation of new state educational standards]. *Nachalnaya shkola*. No 11. Pp.9-14.

10. L'vov, M.R. (ed.) (2007) *Metodika prepodavaniya russkogo yazyka v nachalnyh klassah* [Methods of teaching the Russian language in primary school]. Moscow: Akademiya.

11.Gac I.Yu. (2007) Celenapravlennyj kompleks sil... (O rabote po kul'ture rechi na osnove teksta) [Purposeful complex of forces (About the work on the culture of speech based on the text)]. *Russkij yazyk v shkole.* No 5. Pp. 7-11.

Муаллиф ҳақида маълумот:

МАВЛОНОВА Кларахон Махмутовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Она тили ва адабиёт таълими кафедраси доценти. E-mail: klaramavlonova78@gmail.com